Халқ депутатлари Оқолтин тумани Кенгаши

Қ А Р О Р

“14”декабрь 2020 йил **№ 12/35-06** **Сардоба ш.**

Тумандаги айрим географик объектларни номлаш ва қайта номлаш тўғрисида

“Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида”ги 295-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда Географик объектларга ном бериш ва уларни қайта номлаш тўғрисидаги таклифларни давлат экспертизасидан ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги эксперт комиссиясининг 2020 йил 17 ноябрдаги №03-08-91-93-сонли хати ва хулосаси ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6, 24-моддаларига асосан Халқ депутатлари Оқолтин тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Географик объектларга ном беришц ва уларни қайта номлаш тўғрисидаги таклифларни давлат экспертизасидан ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги эксперт комиссиясининг 2020 йил 17 ноябрдаги хулосасига мувофиқ туман ҳокимининг аҳоли пунктларининг тарқибий қисмларига ном бериш, уларнинг номларини ўзгартириш ҳамда янги кўчаларга ном бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин

2. Туманда номлари ўзгарадиган кўчаларнинг рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туман статистика бўлими (Ш.Қурбонов), туман ҳокими ўринбосари (А.Баратбоев), туман ҳокими ўринбосари (А.Ҳайдаров) билан биргаликда номлари ўзгартирилган кўчаларни, шунингдек янгидан номланган кўчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва электрон базани шакллантириш, иш юритиш ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ барча тадбирларни амалга оширсин.

4. Туман ички ишлар бўлими (Ж.Шерқулов) номлари ўзгарган кўчаларда яшовчи аҳолининг фуқаролик паспортларига, мазкур ҳудуд акс эттирилган йўл белгиларига тегишли ўзгартиришлар киритиш ишларини ташкилий равишда амалга оширсин.

5. Туман ҳокими ўринбосари (А.Баратбоев), туман "Ермулккадастр" давлат корхонаси (Д.Пирнозов) ҳудудларда янги номланган ва номлари ўзгартирилган аҳоли пунктларининг таркибий қисмларини янги номлари ёзилган кўрсаткич ва белгилар, пешлавҳаларни замонавий дизайн асосида босқичма–босқич ўрнатилишини таъминласин.

6. Мазкур қарор "Оқолтин овози" газетасида расман эълон қилинсин ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин, ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси (Р.Аҳмедов), Халқ депутатлари туман Кенгашининг Қонунийлик, ҳуқуқ–тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссияси (У.Сайдалиев) зиммаларига юклатилсин.

Халқ депутатлари Оқолтин туман Кенгашининг раиси **Д.Фазилов.**